

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Каттакўрғон шаҳар Ҳокими_
Г.З.Алимова



Бажарувчиташкилотнитанлаболишучун

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Каттакўрғон шаҳар-2022

Танловхужжатларинингмазмуни:

1. Танлов иштирокчилари учун йуриқнома
2. Техник қисм
3. Нархларқисми

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙУРИҚНОМА

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ КИЙМАТИ

1. Танлов предмети: Каттақўрғон шаҳар ҳокимлиги аёллар дафтарида турган фуқароларга асбоб ускуна олиш.
- 1.2. Каттақўрғон шаҳар ҳокимлиги аёллар дафтарида турган фуқароларга асбоб ускуна олиш буйича танлов охириги киймати–жами 43 500 000 (қирқ уч миллион беш юз минг) сўм.
- 1.3. Каттақўрғон шаҳар ҳокимлиги аёллар дафтарида турган фуқароларга асбоб ускуна олиш буйича техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмда илова қилинган. Ушбу танлов яқунлари буйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

- 2.1. Каттақўрғон шаҳар ҳокимлиги (бундан кейин-«Буюртмачи» деб аталади) – танлов ташкилотчиси ҳисобланади.
«Буюртмачи» манзили: Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳар А.Темур кўча 4
Танлов «Буюртмачи» томонидан танловлар ўтказиш буйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.
- 2.2. Каттақўрғон шаҳар ҳокимлиги «Буюртмачи» томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

- 3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъийназар шу мазмунда иш ва хизматлар курсатишга ихтисослашган, қаида 3 йил тажрибага эга булган барча юридик мақомга эга булган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.
- 3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади:
Танлов предменти қийматининг қаида 30 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки курсатиб ўтилган маблағларни беришга банк қафолатномаси ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;
Шартномалар тузиш юзасидан фуқоралик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва вақолатлар;
Танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

Низом маблағи миқдори.

- 3.3. Агар танлов предменти булган товар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур булса танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга булган талабгорларга руҳсат этилади.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН МТАШКИЛОТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

- 4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.
- 4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачм” ва “Иштирокчи” ўзбек тилида тақдим қилиниши лозим.
- 4.3. Танлов иштирокчиси:
 - Фақат битта таклиф бериши мумкин;
 - Тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
 - Таклиф бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

- 5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таълуқли ҳолда элон қилинган муддатдан яни 5 календар кунга узайтирилиши мумкин.
- 5.2. Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.
- 5.3. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўлалар.
- 6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.
- 6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.